Qishloq hayoti

O`zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | 2018-yil 13-mart, seshanba 27 (8890)-son | web sayt: www.qishloqhayoti.uz

Куннинг муҳим хабарлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Навоий вилояти бошқармаси ходимларига хизмат автомашиналари ва скутерлар топширилди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши сессиясида Самарқанд вилояти ҳокимининг 2017 йилда вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи эшитилди.

Пойтахтимизда мамлакатимиз ички ишлар вазирининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи Рустам Жўраев оммавий ахборот воситалари ходимлари билан очиқ мулоқот ўтказди.

Андижонда "Ўзбекистон Қурён мусобақаси – 2018" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Сирдарёда Президентимизнинг фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган 24 кишига фуқаролик паспорти тантанали равишда топширилди.

Парламент қуйи палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Навоийда "Фуқаролар йиғинининг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг намунали комиссияси" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Хусусий тиббиёт

Аниқ ташхис – ярим даво

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Тиббиётда беморга аниқ ва тўғри қўйилган ташхис унинг ярим шифо топгани, деган гап бор. Шу нуқтаи назардан, бугун мамлакатимиз тиббиёт тизимида диагностика йўналишини илғор фан-техника ютуқлари асосида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Буни Наманган шаҳридаги "ANAMED" диагностика маркази фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Тадбиркор Носирбек Абдуллахонов томонидан ташкил этилган мазкур муассаса иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди.

– Уч-тўрт йил олдин умуртқам шикастланиб, Москвада даволанишга тўғри келди, – дейди марказ раҳбари Носирбек Абдуллахонов. – Шунда "Шу муолажаларни нега ўзимизда ўтказиш мумкин эмас? Қачонгача юртдошларимиз узоқларга бориб даволанади? Ахир, ҳозир тиббиёт соҳасида ҳам хусусий секторга кенг имкониятлар яратилмоқда-ку!" деган фикр миямга ўрнашиб қолди. Ўша ерда ўзим даволанаётган шифохонадаги мутахассислар билан маслаҳатлашдим... Хуллас, фикр ғояга, ғоя лойиҳага айланиб, Москвадан Наманганда хусусий клиника очиш мақсади билан қайтдим.

Албатта, ният холис, мақсад эзгу, қатъият шунга яраша бўлса, мамлакатимизда ҳеч бир ташаббус рўёбга чиқмай қолмайди. Н.Абдуллахонов даволанишдан қайтиши билан, яъни 2014 йилда нейрожарроҳлик йўналишида хусусий диагностика маркази ташкил қилиш ҳаракатини бошлади. Унинг ташаббуси вилоят ҳокимлиги ва соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланди. Наманган шаҳри марказидан қурилиш учун ер майдони ажратилди. Икки йил давом этган бунёдкорлик ишлари натижасида замонавий архитектура, энг асосийси, бугунги давр тиббиёт муассасаларига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб берадиган тўрт қаватли муҳташам бино қад ростлади. Бинога эшиклари ҳам ичкарига, ҳам ҳовлига очиладиган лифт ўрнатилган. Бундай лифт шошилинч келтирилган беморларни доимо гавжум фойедан олиб ўтмасдан, машинадан тўғри лифтга олиб кириш имконияти билан афзал.

Нейрожарроҳликка ихтисослашган ушбу марказ "Асака" банки томонидан имтиёзли кредит сифатида молиялаштирилган умумий қиймати 1 миллион 800 минг долларга тенг энг илғор диагностика аппаратуралари ва бошқа тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Жумладан, марказга келтирилиб, ишга туширилган охирги авлод ультратовуш текшируви аппарати ташхис аниқлиги ва функционал имкониятлари жиҳатидан Фарғона водийсида ягона ускунадир.

Шунингдек, марказнинг лаборатория, невропатология, радиология, эндокринология бўлимларида ҳам General elektrik, Simens каби машҳур компанияларда ишлаб чиқарилган тиббиёт техникалари воситасида юртдошларимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Президент ташрифидан сўнг...

ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРИЛГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОННИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 9-10 МАРТ КУНЛАРИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ДУШАНБЕ ШАҲРИДА БЎЛДИ.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга давлат ташрифи кутилганидан ҳам самарали бўлди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, ҳал қилинмаган масала қолмади. Дарҳақиқат, музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар. Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда ҳудудлараро алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

ЎзА мухбири эришилган келишувлар натижаси ҳақида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг фикрлари билан қизиқди:

Ачилбой РАМАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:

– Тожикистон Республикаси ҳудудий жойлашувига биноан мамлакатимизга чегара давлат ҳисобланади. Шундай экан, темир йўл ва автомобиль йўлларимиз бир-бири билан боғлиқ. Яъни қўшни давлатнинг асосий юклари Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтади. Сўнгги йилларда Тожикистон томонининг юклари Ўзбекистон ҳудудидан айланиб ўтар эди. Давлатимиз раҳбарининг топшириғига кўра, янги қатновлар йўлга қўйилди. Бу борада қўшни мамлакатга ўзига хос чегирмалар тақдим қилдик ва бир тўхтамга келдик. Бу икки мамлакат иқтисодиётига катта фойда келтиради, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида "Ғалаба – Амузанг – Хошади" темир йўл линияси очилди. Таҳлилларга кўра, бу йўлдан миллионлаб аҳоли фойдаланиши мумкин. Шундай экан, бу борадаги ишлар изчил давом эттирилади.

Жамшид ХЎЖАЕВ, Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо вазири:

– Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи доирасида ташкил қилинган учрашувлар, мулоқотлар самимий ва ўзаро ишонч руҳида ўтди. Мисол учун, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ва бизнес-форум натижасига кўра, 200 миллион доллардан ортиқ шартномалар имзоланди. Кўргазмада юртимизнинг 100 дан ортиқ корхонаси ўзининг мингдан ортиқ маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Давлат раҳбарларининг учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо айланмасини бир миллиард долларга етказиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Энг муҳим жиҳати, Ўзбекистон ва Тожикистон вилоятлари ўртасида тўғридан-тўғри савдо алоқаларини йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Бу мамлакатларимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-саҳифада)

Касаба уюшмалари кўмаги етмаган жой йўқ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саҳоват муҳитини янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Чунончи, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Сирдарё вилоятида бугунгача 66 нафар эҳтиёжманд фуқарога саломатлигини тиклаши учун қарийб 152 миллион 550 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 1221 та эҳтиёжманд оила 610 миллион 338 минг сўмлик кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари билан таъминланди. 1097 та оиланинг уй-жойларини таъмирлаш учун 985 миллион 902 минг сўмлик маблағ йўналтирилди.

Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация мутасаддилари томонидан вилоятнинг олис, чекка қишлоқлари, айниқса, табиий газ етиб бормаган ҳудудларида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларни табиий газ баллонлари ва замонавий газ плиталари билан таъминлаш бўйича режа-тақсимот жадвали ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ вилоятдаги 376 та оила 611 миллион 564 минг сўмлик газ плиталари ҳамда газ баллонлари билан таъминланди.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай эътибордан ижтимоий кўмаккa муҳтож инсонларнинг кўнгиллари кўтарилиб, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси давлатимиз эътиборида эканлигини чуқур ҳис этмоқда.

– Оиламиз бошлиғи Темир Абдувалиев анчадан буён касал бўлиб, тўшаккa михланиб қолганди, – дейди Ховос туманидаги Ўзбекистон тўкинчилиги маҳалласида яшовчи Эргашой Холмуродова. – Касал одамга вақтида иссиқ овқат пишириб, парваришлаш биз – оила бекаларининг асосий бурчимиз саналади. Рўзғорим учун керакли жиҳоз давлатимиз томонидан берилди. Мушкулимиз анча осонлашди.

– Турмуш ўртоғим мавсумий ишлар билан шуғулланар эди, – дейди Барчиной Ойбекова. – Ўтган йили жигар саратонидан вафот этди. Беш нафар фарзандни тарбиялаш ўзимнинг гарданимда қолди. Бизни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётган давлатимиз раҳбарига, ҳомий ташкилотларга минг бора раҳмат.

– Касаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилари кўрсатилаётган амалий ёрдамларни энг чекка қишлоқ ва туманларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилаларга етказиб беришмоқда, – дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Эргаш Бўриев. – Бундай ғамхўрликлар орқали кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг эҳтиёжларини қондириб, уларнинг турмуши фаровон бўлишини таъминлашга асосий эътиборни қаратяпмиз.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Нукусда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан "Соғлом оила" шиори остида спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

Спортчи оилалар баҳси

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда самарали фаолият кўрсатаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини спортнинг оммавий турларига жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилган ҳолда турли касб касалликларидан муҳофазалаш ҳамда спорт билан оилавий шуғулланиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Беллашувда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган оилавий жамоалар бадминтон, шахмат, шашка, шунингдек, "Чаққонлик ва мерганлик", "Моҳир ҳужумчи", "Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни боплаймиз", "Тезлик", "Эпчиллик" ва "Бир жамоа" каби эстафеталар бўйича беллашди.

– Бу каби мусобақаларнинг ўтказилиши оилалар ўртасида спортни тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Чимбой туманидаги 53-Қизилўзак оилавий поликлиникаси патронаж ҳамшираси Гулбаҳор Тажимова. – Турмуш ўртоғим ва ўғлим билан мусобақада иштирок этдим.

Тадбир якунида ғолиблар аниқланди. Умумжамоа ҳисобида Хўжайли туманилик спортчилар оиласи биринчи, Шуманай тумани иккинчи ва Тахтакўпир тумани вакиллари учинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиблар ва фаол иштирок этган оилалар Қорақалпоғистон касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Таянч пункти мустаҳкам таянч

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳрида "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда профилактика инспекторининг аҳоли ва маҳалла фаоллари билан ҳамкорлиги, билими, вояга етмаганлар билан ишлаш тажрибаси, ҳудудидаги ижтимоий вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилганидан сўнг эмас, унинг олдини олиш мақсадида самарали профилактикани йўлга қўйишнинг натижадорлиги ўрганилди.

Якуний натижаларга кўра, Қарши шаҳри Отчопар маҳалласи ҳудудидаги 32-сонли таянч пункти профилактика инспектори, капитан Ойбек Сафаров биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Шаҳрисабз шаҳридаги Зингирон маҳалласида жойлашган 270-сонли таянч пункти профилактика инспектори, капитан Ҳусниддин Бойсуновга насиб этган бўлса, учинчи ўринга Чироқчи тумани Сувлиқ маҳалласидаги 357-сонли таянч пункти профилактика инспектори, лейтенант Улуғбек Ражабов муносиб деб топилди.

Шунингдек, тадбирда "Энг фидойи сектор раҳбари", "Ёшлар ва вояга етмаганлар бўйича энг фаол инспектор", "Энг фаол жазони ижро этиш инспекцияси ходими", "Ички ишлар органлари бошлиғининг ёшлар масаласи бўйича энг фаол ўринбосари", "Энг матонатли маҳалла посбони" сингари қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, уларга махсус диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ҳусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Жиззахда "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Мазкур тадбирда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган ички ишлар органлари таянч пунктларининг 13 та жамоаси куч синашди.

Кўрик-танловда Жиззах шаҳрининг "Жиззахлик" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 6-сонли ички ишлар органлари таянч пункти ғолиб бўлди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Иккинчи ўрин Мирзачўл туманининг "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 135-сонли таянч пункитига насиб қилган бўлса, учинчи ўрин Фориш туманидаги "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинининг 141-сонли ички ишлар органи таянч пунктига берилди.

– Вилоятимизда 145 та ички ишлар органи таянч пунктлари бўлиб, уларда 256 нафар профилактика инспекторлари фаолият кўрсатмоқда, – дейди Жиззах вилояти ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси катта инспектори, капитан Донобек Каримов. – Бугунги каби кўрик-танловлар соҳа вакилларининг билим ва тажрибаларини ошириш билан бирга илғорларни рағбатлантириш, бурчларига нисбатан масъулиятларини кучайтиришга хизмат қилаётир. Таъкидлаш жоизки, кўрик-танлов доирасида профилактика инспекторларининг аҳоли билан қай даражада яқинлиги ўрганилди. Президентимиз таъбири билан айтганда, одамлар улардан қанчалик рози эканлиги баҳолаш жараёнида бош мезон вазифасини ўтади.

Шунингдек, тадбир давомида "Энг маҳоратли ва садоқатли профилактика инспектори", "Ёшлар ва вояга етмаганлар бўйича энг фаол инспектор", "Энг фаол ёшлар етакчиси", "Энг фаол хотин-қизлар комиссияси раиси" каби бир қатор номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, улар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Кўрик-танлов якунида вилоят санъаткорларининг концерт дастури намойиш этилди.

Мукимбой ИСМОИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 13-mart, seshanba 27 (8890)-son

ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАР ИККИ МАМЛАКАТ ТАРИХИДА МУҲИМ ҚАДАМ БЎЛДИ

(Боши 1-саҳифада)

Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири:

– Тожикистон билан Амударё ҳамда Сирдарё сувларидан фойдаланиб келмоқдамиз. Сув ресурсларидан фойдаланишда халқаро меъёрларга амал қилиш талаб этилади. Бундан ташқари, табиатнинг бу неъматидан самарали фойдаланиш керак. 9-10 март кунлари икки давлат тарихида муҳим кун бўлиб қолди. Чунки сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида келишувга эришилди.

Шунингдек, гидроэлектр станциялари қуриш бўйича ҳам нуфузли комиссия тузишга келишиб олинди. Бу қарор нафақат икки мамлакат, балки бутун минтақа иқтисодининг ривожига салмоқли ҳисса қўшади. Янги қурилаётган гидроэлектр станцияси минтақанинг энергетикага бўлган талабини қондиради.

Туроб ЖЎРАЕВ,
Самарқанд вилояти ҳокими:

– Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташрифи тарихий аҳамият касб этди. Бу икки халқ ўртасидаги алоқаларнинг такомиллашишида муҳим қадам бўлди. Музокаралар якунига кўра, Тожикистон Республикасининг Сўғд ва Ўзбекистоннинг Самарқанд вилоятлари ҳокимларига кенг имкониятлар яратиб берилди. Энди муносабатларда ортиқча расмиятчиликсиз, тўғридан-тўғри телефон орқали боғланиш, ўзларига маъқул бўлган вақтда икки томон ишбилармонлари ўртасида учрашувлар ўтказишга келишиб олинди. Бунинг амалий натижаси сифатида жорий йилнинг апрель ойида Тожикистон тадбиркорлари билан учрашув бўлиб ўтади.

Ташриф доирасида жуда кўп самарали келишувларга эришилди. Биргина мисол: эришилган келишувга кўра, энди фуқаролар мамлакатларда ўттиз кунгача визасиз юриш имкониятига эга бўлади. Бу икки халқ вакилларининг азалдан йўлга қўйилган қариндошлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, қолаверса, туризмни ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Эркин ТУРДИМОВ,
Сурхондарё вилояти ҳокими:

– Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга олий даражадаги давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бу нафақат икки давлат ўртасида, балки Марказий Осиё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда.

Савдо-иқтисодий соҳаларда икки давлат имкониятлари етарли даражада ривожланмай қолган эди. Мамлакатлар энди бу борада ҳам ўзининг ҳақиқий кўрсаткичларини намоён қилади. Мен ташриф давомида турли соҳаларда имкониятлар бўлатуриб, алоқалар узилиб қолганининг гувоҳи бўлдим. Бу тарихий ташрифни икки халқ вакиллари ҳам интиқлик билан кутган эди. Ташриф доирасида икки халқ манфаатларига тўла жавоб берадиган келишувларга эришилди. "Ғалаба – Амузанг – Хошади" темир йўлининг очилиши муҳим воқеа бўлди. Сурхондарё вилояти Тожикистон билан чегара ҳудуд бўлганлиги учун бугундан бошлаб барча соҳаларда алоқаларни кенг миқёсда ривожлантирамиз.

Ботир ЗАРИПОВ,
"Ўзқурилишматериаллари" АЖ бошқаруви раиси:

– Маълумки, мамлакатимизда минерал хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда юздан зиёд қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтаётган Ўзбекистон саноат маҳсулотлари кўргазмасида 50 дан ортиқ турдаги қурилиш материаллари билан иштирок этмоқдамиз. Ноёб қурилиш материаллари ҳисобланган гранит, мармар, габбро, травертин тошлари, деворбоп, томёпқич материаллар, базальт тошидан олинган арматуралар, қамиш ўсимлигидан ишланган ДСП каби маҳсулотларимиз тожикистонликларда катта қизиқиш уйғотди. Тожикистоннинг ўнлаб компания ва фирмалари бизнинг қурилиш материалларимизни олиш бўйича шартномалар имзолади.

ЎзА мухбири
Абу Бакр ЎРОЗОВ
ёзиб олди.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани сингари Фарғона вилояти Сўх тумани аҳлининг ҳам кайфиятини кўтариб, ёшу кексага байрамона руҳ бағишлади.

ЭШИКЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ЁПИЛМАСИН

Сўх тумани ва Тожикистоннинг Исфара шаҳри ораси яқин. Бир вақтлар сўхликлар бозор қилгани Исфарага боришарди, исфараликлар ул-бул харид қилгани Сўхга келишарди. Мева-сабзавот бозори қизғин кечарди. Сўхликлар Исфара қандагини (ўригини) таърифласа, улар Сўх картошкасига етадигани йўқ, дейишарди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари янги босқичда изчил ривожланаётгани икки давлат ишбилармонларининг мулоқотини янада кенгайтирмоқда. Хусусан, икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида "Тожикистон – Ўзбекистон" ишбилармонлар кенгаши тузилиб, ташриф доирасида унинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

– Учрашувларда қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотни қайта ишлаш, транзит учун қулай шароит яратиш каби соҳаларда билдирилган фикрлар бизни қувонтиради, – дейди сўхлик фермер Фирдавс Маҳмуджонов. – Қўшни Тожикистон билан турли жабҳаларда, жумладан, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида ривожланаётган муносабатлар экспорт салоҳиятимизни оширишга замин яратади. Мен Сўғд вилоятининг Конибодом шаҳрида таҳсил олиб, она қишлоғим Янгиариққа қайтганман. Бу ерда картошкачиликка ихтисослашган "Феруз" фермер хўжалигини ташкил этдим. Ён қўшниларимизда маҳсулотимизнинг харидори кўп.

Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг олий даражали учрашувида мезбонлар юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига юқори баҳо беришди. Тожик заминида ташкил қилинган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" кўргазмаси иштирокчилар эътиборини қай даражада торттанини қалбан ҳис этдик. Маҳсулотимиз сифатини дунё тан олмоқда. Бу фахрланишга арзигулик. Айни дамда ҳар бир ишлаб чиқарувчига катта масъулият юклайди. Сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилган икки мамлакат ҳамкорлиги шарофатидан, шубҳасиз, икки халқ орасидаги ришталар мустаҳкамланади, юрт обод ва ҳаёт фаровон бўлади.

– Хўжанд давлат университетининг тарих-филология факультетида таҳсил олиб, Фарғона вилояти Сўх туманидаги 1-сон умумтаълим мактабида ўқитувчилик қилдим, – дейди меҳнат фахрийси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Шодибой Маҳмуджонов. – Ҳозир пенсияда бўлсам-да, ҳамон янги давр нафасидан баҳраманд таълим масканлари билан ҳамнафасман. Қўшни давлатлар, айниқса, Тожикистон билан ҳамкорликнинг янги даври юрагимни тўлқинлантириб юборди. Шу вақтгача Термиз ва Самарқанд давлат университетларида тожик тилида машғулотлар олиб борилаётган бўлса, яқинда Фарғона давлат университетида тожик тили ва адабиёти бўлими очилди. Душанбедаги президентлар учрашувида ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ўргатишни такомиллаштириш тўғрисида сўз юритилди. Даврий ва илмий нашрлар алмашуви, таржима масалалари, таълим ва фан соҳасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Тожик адабиёти дарсликларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун алоҳида соатлар ажратилган. Тожикистон Президентининг фармойиши билан Душанбе шаҳридаги "Ёшликнинг 50 йиллиги" истироҳат боғи "Низомиддин Алишер Навоий" деб қайта номланди. Бундан, хусусан, Тожикистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар кўнгли, Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётган тожиклар қалби фахр ва фараҳмандликка тўлди.

Сўх туманида Тожикистондан келин бўлиб тушганлар кўп. Улардан бири Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Шарифахон Қосимжонова Исфарадан келин бўлиб тушганига ўттиз йилдан ошган. Шарифахон ўз уйи – ўз ватанида бекаму кўст яшаяпти. Лекин болалиги ўтган диёр, жигарларини баъзан қўмсайди. Бу орада онаси оламдан ўтди. Аммо у боролмади...

Сўғд вилоятининг Пролетар туманида туғилган Мавлудахон Азизова институтни битириб, янгиариқлик Фозилжон Мазиёевга турмушга чиқди. Эр-хотин ўқитувчилар фарзандли, набирали бўлишди. Бахтли оилалардан бири. Бироқ...

Шу кунларда Шарифахон ва Мавлудахонларнинг қувончини сўз билан таърифлаб бериш қийин...

– Телевизорни кўриб, Президентимизнинг сўзларини эшитиб... Бир-биримизни табриклашдан чарчамаяпмиз, – дейишди улар.

Бугун Сўхда Шарифахону Мавлудахон каби бахтли лаҳзаларда кўз ёшини тия олмаётганлар талай.

Қувончлар рост бўлсин, эшиклар ҳеч қачон ёпилмасин.

Муҳаммаджон ШОДИЕВ,
журналист.

ЎзА суратлари.

Аниқ ташхис – ярим даво

(Боши 1-саҳифада)

Кўчма рентген, нейрожарроҳлик столи, анестезиология ускунаси, микроиқлим, ёритиш, сунъий нафас олдириш ва бошқа кўплаб йўналишлар бўйича энг замонавий қурилмалар билан жиҳозланган иккита жарроҳлик блокида беморларга жаҳон андозалари даражасида жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин. Жонлантириш хоналарининг автоном коммуникация тизими билан таъминланганлиги муайян беморга қулай ва зарур шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

Марказ ўз фаолиятини бошлагандан буён ўтган қисқа вақт – бир йил мобайнида икки мингдан зиёд беморга хизмат кўрсатди. Олис қишлоқлардан, бошқа вилоятлардан келадиган юртдошларимиз кўп вақт йўқотмасликлари, икки-уч кунлаб сарсон бўлиб юрмасликлари учун телефон орқали олдиндан навбат олиб қўйиш тартиби жорий қилинган. Шунингдек, кексалар ва ногиронлар биринчи навбатда қабул қилинади.

– Ҳозир қорин бўшлиғидаги хасталикларда лапароскопик жарроҳлик амалиётларини ўтказиш борасида изланиш олиб боряпмиз, – дейди диагностика маркази бош шифокори Эркин Мирҳидоятов. – Бунинг учун бизда барча имконият бор. Кўп функцияли тиббиёт кроватлари, зарур иқлим шароитини ҳосил қилувчи ва бошқа маиший, тиббий-санитария восита ҳамда жиҳозлари билан таъминланган ўн ўринли қисқа муддатли стационар бўлимда беморлар жарроҳлик амалиётидан кейин муайян муддат назоратимизда бўлади.

Хусусий тиббиёт муассасаси фан-техниканинг энг янги ютуқлари асосидаги технологик воситалар билан таъминлангани диққатга сазовор, албатта. Бироқ танганинг иккинчи томони ҳам борки, асосан компьютерлаштирилган юқори технологияли тиббиёт аппаратуралари билан ишлай оладиган мутахассис бўлмаса, УЗИ, МРТ каби бошқа барча ускуналар ҳам кутилган натижани бермайди. Хўш, мазкур диагностика марказида бу масалага эътибор қандай?

– Албатта, малакали мутахассис бўлмаса, биз давлатимиз томонидан белгиланган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, хориждан келтирган фалон миллион долларлик ускуналар бир уюм темир бўлиб турaверади, – дейди Н.Абдуллахонов. – Шунинг учун техник таъминот билан бир қаторда масаланинг бу жиҳати устида ҳам иш олиб бораяпмиз. Кадрлар малакасини ошириш, илмий-амалий ҳамкорлик бўйича Қозон шаҳрининг минтақаларо клиник диагностика маркази билан меморандум имзоладик. Шифокоримиз Ботир Юнусов у ерда малака ошириш курсини ўтаб келди ва ўзлаштирган билим ва маҳоратини ҳозир ўзимизнинг шифокорлар билан ўртоқлашмоқда. Шунингдек, айни кунларда россиялик мутахассислар билан юз, бош чаноқ суяклари имплантацияси амалиётини йўлга қўйиш борасида иш олиб бораяпмиз. Бу мавзуда апрель ойида Россия Федерацияси орқа мия нейрожарроҳлар ассоциацияси президенти Андрей Басков раҳбарлигидаги гуруҳ иштирокида семинар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Бугун 30 киши, жумладан, 4 нафар олий тоифали шифокор иш билан таъминланган "ANAMED" диагностика марказида лойиҳанинг навбатдаги босқичидаги ишлар қизғин давом эттирилмоқда. Айни пайтда 40 ўринли стационар ва физиотерапия бўлими қурилиши якунига етказилаётир. Бу ерга Англиянинг BTL компаниясида ишлаб чиқарилган лазер ускуналари, мамлакатимизда ҳозирча бирорта тиббий муассасада йўқ Simens кардио-ультратовуш текшириш аппарати каби янги тиббиёт техника воситаларини келтириш режалаштирилган.

Акромжон САТТОРОВ,
ЎзА.

Дил сўзи

Наврўзни Сариосиёда нишонлайман

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига ташрифи доирасида "Ғалаба – Амузанг – Хошади" темирйўл линиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни Президентлар поездлар қатновини бошлаш тугмасини босди. Икки давлат ўртасида темир йўл қатнови расман йўлга қўйилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Тожикистоннинг Хатлон вилояти ўртасидаги "Гулбаҳор-Амузанг" чегара ўтказув пости очилди.

Чегараларнинг очилиши ҳар икки юрт тарихида ўчмас из бўлиб қоладиган оламшумул воқелик бўлди, десам муболаға бўлмайди. Боиси, дўстлик ришталари ўзбек ва тожик халқи ўртасида азалдан чамбарчас боғланиб кетган. Қолаверса, бу икки мамлакат аҳолиси ўртасида мингйилликлар давомида шаклланиб келган яқин қўшничилик ришталари янада мустаҳкамланишига замин яратади.

Мен 1979 йили Тожикистон Республикасининг Шартус вилоятига келин бўлиб тушганман. Узоқ йиллар мобайнида Сариосиёда яшаётган ота-онам, жигаргўшаларимни, қариндошларимни соғинганимда бориб кўришга жуда қийналганман. Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, деганларидек, яқинларим бетоб бўлганда ё ўзим оғриб қолганимда бир-биримиздан узоқ вақт хабарлаша олмадик. Энди чегаралар очилиб, бу қийинчиликлар ортда қолди.

Шундай имкониятларни яратиб бераётган давлат раҳбарларидан беҳад миннатдорман.

Яшариш ва яшнаш байрами Наврўзи оламни Сариосиё туманида, яқинларим даврасида кутиб олмоқчиман. Шу кунларга етказганига шукр...

Хосият ТОШМУРОДОВА,
Тожикистон Республикаси Шартус вилояти.

Мутахассис тавсиялари

ЮРТИМИЗ ҒАЛЛАЗОРЛАРИГА ЗАРАРКУНАНДА, КАСАЛЛИК ВА БЕГОНА ЎТЛАР ЗАРАР ЕТКАЗИШИ МУМКИН. ШУ БОИС УЛАРГА ҚАРШИ ДОИМИЙ КУРАШИШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ.

Зараркунанданинг тури ҳам, бири ҳам зарар

Ғаллазорларда энг кўп тарқалган зараркунанда ҳашаротлар қаторига ғалла ширалари, буғдой трипси, зарарли хасва, шилимшиқ қурт, швед ва гессен пашшалари, саратончалар, поя арракашлари киради. Улар эрта баҳордан, майсаларнинг тупланиш давридан зарар етказа бошлайди.

Ғалла ширалари 10 мартадан ортиқ авлод бериб, бошоқдаги донларнинг пуч бўлишига олиб келади. Агар 50 фоиз ўсимликдаги бошоқлар зararланган бўлиб, битта бошоқдаги ширалар сони 5-10, сут мум пишиш даврида 20-25 дона бўлса, кимёвий кураш ўтказилади.

Буғдой трипси эса бошоқдаги донларни сўриб зararлайди. Бунда ҳосил 50 фоизгача камайиб кетиши мумкин. Йилига бир марта авлод беради. Буғдойнинг найчалаш даврида битта поя да 8-10, сут пишиш даврида бир бошоқда ўртача 15-20 дона трипс бўлганида кимёвий кураш ўтказилиши лозим.

Зараркунандалардан яна бири швед пашшаси бўлиб, у асосан, пояни зararлайди. Натижада ўсимлик қуриб қолади, ҳосилдорлик камаяди. Мавсумда бир марта авлод бериб, ривожланадиган шилимшиқ қурт ҳам вақтида чораси кўрилмаса, ҳосилга жиддий зиён етказади. Худди, шунингдек, поя арракаши экинга катта зарар етказади.

Ғалланинг энг хавфли душманларидан бири бу зararли хасвадир. Унинг таъсирида донда оқсил, клейковина ва бошқа қиммат органик моддалар миқдори камайиб кетади. Дала атрофидаги хазонлар, тошлар, ўсимлик қолдиқлари остида қишлаб чиққан хасва бироз озиқланганч, урғочилари ғалла экинларига март ойининг охири апрель ойининг бошларида тухум қўя бошлайди. У тухумларини барглларга 7 донадан икки қатор қилиб қўяди. Ҳар бир урғочи хасва 150 тагача тухум қўяди. Янги авлод личинкалари апрель ойининг иккинчи ярмидан пайдо бўлиб, бошоқлардаги донларни сўриб зararлайди.

Шундай экан, зараркунандаларга қарши ўз вақтида ва сифатли агротехник, биологик ва кимёвий кураш олиб бориш талаб этилади. Жумладан, зararли хасвага қарши агротехник тадбирлар – чидамли навлар экиш, ерларни ҳосил йиғиштирилгандан сўнг тезлик билан шудгорлаш ва кимёвий кураш чоралари қўлланилади.

Биологик курашга келсак, март ойида олтинкўз энтомофаги гектарига 500-1000 донадан тарқатилади.

Бундан ташқари, кейинги йилларда ғалланинг сариқ занг, қўнғир занг, ун-шудринг, сариқ доғланиш каби касалликлари ҳам кўп учрамоқда.

Қўнғир занг касаллиги экинни бошоқ чиқариш даврида зararласа, ҳосилдорлик 40-50 фоизга камаяди. Касалликнинг белгилари еввойи сули, буғдойиқ, райграс каби бошоқли бегона ўтларда ва ғалла экинларининг барглларида думалоқ, сарғиш-қўнғир, чангли ёстиқчалар шаклида пайдо бўлади. Шу ёстиқчалар ичида ривожланган споралар шамол ёрдамида тез тарқалади. Занг касаллигининг асосий тарқалиш манбаи еввойи ғалласимон ўтлардир. Шунингдек, сариқ занг касаллиги ҳам экинни бошоқ чиқариш даврида зararлайди. Бунда ҳам ҳосилдорлик ўртача 45-50 фоиз йўқолиши мумкин. Касалликни чақирувчи замбуруғ споралари ҳаво ҳарорати 0°С бўлиши билан ўсимлик танасида ривожлана бошлайди. Сариқ занг замбуруғи ривожланиши учун пастроқ ҳарорат (12-15°С) зararлаш ва тарқалиш учун қулай ҳисобланади. Касалликнинг белгилари бошоқли ўт ва ғалла экинларининг барглларида узун қатор-қатор жойлашган, сариқ ёстиқчалар кўринишида бўлади. Аста-секин занг касаллиги бутун барг юзасини қоплайди. Барглдаги модда алмашинуви бузилиб, бошоқдаги донлар пуч бўлиб қолади. Занг касаллиги споралари шамол орқали тарқалади.

Ун-шудринг касаллиги эса ҳавонинг нисбий намлиги 90-99 фоиз, ҳарорат 15-20 даража илиқ бўлганда жуда тез ривожланади ва ҳосилга путур етказиши мумкин.

Сариқ доғланиш касаллигининг белгилари буғдой барглларида аввал кичкина думалоқ, кейинчалик сарғиш-қўнғир рангдаги катта доғлар пайдо бўлиши билан изоҳланади. Ҳарорат 20-25 даражага чиққанида замбуруғлар тез ривожланиб, тарқалади ва экинга зарар етказади.

Шуни унутмаслик керакки, чидамли навларни экиш, тўғри алмашлаб экиш, ерларни кузда шудгорлаш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, дала четларидаги бегона ўтларга қарши курашиш, экинларни ўз вақтида ва меъёрида ўғитлаш, стимуляторларни қўллаш ушбу касалликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга. Кимёвий курашни эса касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлиши билан бошлаш лозим.

Маълумки, ғаллазорларда эрта баҳордан бегона ўтларга қарши кураш ишлари бошланади. Бунда юқори самарага эришиш учун гербицидлардан фойдаланилади.

Ғалла зараркунанда ва касалликлари, бегона ўтларга қарши кимёвий кураш чораларини олиб боришда препаратларни қўшиб ишлатиш ортиқча харажатларнинг олдини олади ҳамда экинга кам зарар етади. Бунда препаратларни қўллаш муддатлари мос келиши, компонентларнинг ўзаро қўшилиши мувофиқ бўлиши лозим.

Мазкур тавсияларга риоя қилинса, юқори ва сифатли дон ҳосили олишга эришилади.

Ботир БОЛТАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент.

Нафақат манзилга, аҳоли кўнглига ҳам РАВОН ЙЎЛЛАРДАН БОРИЛАДИ

Каттаю кичик маъракаларда, жамоат жойларида кўпинча гап мавзуси айланиб йўлларга бориб тақалади. "Нега кўчамиз ҳанузгача таъмирланмаяпти?", "Бу йўл қаёққа қарайди?", "Ҳеч бўлмаса, тош тўкишса бўлади-ку", "Раҳбарлар қаёққа қарашяпти?" деган гап-сўзлар тез-тез қулоғимизга чалиниб туради. Халқимиз орасидаги бу каби гапларга ойдинлик киритиш мақсадида йўлсозларимиз томонидан амалга оширилаётган ишларга Булунғур тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси фаолияти мисолида бир қур назар ташлашни лозим топдик.

"Олмаота – Бишкек – Тошкент – Термиз" халқаро автомобиль йўлининг 1037-1061 километр қисми, яъни 24 километри Булунғур тумани ҳудудидан ўтади. Халқаро аҳамиятга молик ушбу йўлнинг туман ҳудудидан ўтган қисми Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси Самарқанд вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси назоратида бўлиб, таъмирлаш, йўлларни кенгайтириш ишлари мана шу бошқарма томонидан амалга оширилади. Шунингдек, туман ҳудудида вилоятлар марказларини бир-бири билан боғловчи давлат аҳамиятига молик йўллар 79 километрни, туман маркази билан хўжаликлар, маҳаллаларни боғловчи маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллар 175 километрни, умум фойдаланишдаги йўллар эса 278 километрни ташкил этади. Бундан ташқари, туман ҳудудида 1200 километрдан ортиқ ички йўллар мавжуд.

– Йўлсозларимиз ўтган йилда йўлларни жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича 2520350 минг сўмлик иш бажариб, зиммаларига юклатилган вазифаларни ортиғи билан адо этишди, – дейди Булунғур тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори Холиқул Норбеков. – Жорий йилдаги режаларимиз янада улкан. Йўлларни жорий таъмирлаш, сақлаш, қишки қаров ҳамда кўкаламзорлаштириш учун 6,5 миллиард сўмликдан зиёд ишларни бажаришимиз керак. Ушбу маблағнинг 5 миллиард 80 миллион сўми Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 30 майдаги "Самарқанд вилоятининг Булунғур туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ажратиб берилгани лойиҳанинг нечоғли муҳим эканлигидан далолат беради. Юқоридаги маблағнинг 4 миллиард 174 миллион сўми туман ҳудудидаги давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларда зарур тадбирларни олиб боришга йўналтирилади.

Ушбу фикрларни рақамларга таяниб давом эттирадиган бўлсак, 2017 йилда Инвестиция дастури бўйича М-39, яъни "Олмаота – Бишкек – Тошкент – Термиз" халқаро автомобиль йўлининг 1025-1037 километр қисмида ишлар ортиғи билан бажарилиб, йиллик режа 103 фоизга адо этилди. Шунингдек, жорий таъмирлаш, йўлларни сақлаш, қишки қаров ишлари маҳаллий аҳамиятга эга йўлларда 100 фоизга, кўкаламзорлаштириш ишлари эса 180 фоизга уддаланди. Эътиборлиси, бу ишлар давлат аҳамиятидаги йўлларда ҳам ортиғи билан якунланди.

Туманнинг ички йўлларида 1 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилиб, 10 километр йўл жорий таъмирдан чиқарилди. Шу жумладан, Булунғур шаҳри марказида 508 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, 15 километрга яқин йўлларга асфальт-бетон қопламаси ётқизилди. Бундан ташқари, туман марказидаги, хўжаликлар, маҳаллалар ҳудудидаги 10 километрдан ортиқ ички йўллар сифатли жорий таъмирдан чиқарилди. Туман марказини хўжаликлар билан боғловчи йўллар таъмирланяпти. Инвестиция дастури бўйича Булунғур шаҳрида 20 километрдан ортиқ узунликдаги кўчалар асфальт қилинди. "Эрганакли" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Болғали қишлоғида жойлашган аллома Хўжа Ҳофиз Меросий номи билан аталувчи мақбара бугунги кунда туман кўркига айланди. Меросий зиёратгоҳига олиб борувчи йўлга тош тўкилиб, текисланди.

Айни шу кунларда давлат аҳамиятидаги Булунғур – Ургут, Самарқанд – Булунғур – Аламли, Булунғур – Челак, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган Булунғур – Ипак йўли, Булунғур – Фозил Йўлдош, Булунғур – Ҳамид Олимжон, Булунғур – Қум Мўғол, Булунғур – Навоий йўлларида жорий таъмирлаш ишлари қизғин давом эттириляпти. Бу хайрли тадбирларни амалга оширишда корхонанинг 50 дан ортиқ йўлсозлари самарали меҳнат қилишяпти.

– Йўлларни қуриш, таъмирлаш ва асфальт қилиш ишларида йўл қурилиши машиналарининг хизмати беқиёс, – дейди Булунғур тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси автомобиль йўлларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Барот Бегалиев. – Ҳамюртларимиз йўл қурилиш машиналари ва техникаларимиз ҳақида кенгроқ тушунча ва тасаввурга эга бўлишлари керак, деб ўйлайман. Айни пайтда корхонамизда 23 та машина-механизмлар ва транспорт воситалари мавжуд. Яъни 3 та МАН, экскаватор, ўзи юрар каток, автогрейдер, йўл фрезаси ҳамда бошқа техника ва ускуналар шулар жумласидандир. Йўл қурилишида улар кучидан унумли фойдаланиляпти. Хусусан, тупроқ қатлами каток ва шиббалагичлар билан зичланса, йўл қопламаларини ётқизишда шағал ёйгич, йўл четларини қия қиладиган мослама ва шағални зичлайдиган виброкатоклар асқотади. Асфальт-бетон ётқизишда махсус қориштиргич ва ёйгичлардан, цемент-бетон қоришмасини текислаш, зичлаш ва силлиқлашда замонавий пардозлаш машиналари қувватидан фойдаланилмоқда.

Қуриш-таъмирлаш ишлари давомида техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этилмоқда. Бунинг учун, аввало, олиб борилаётган ишларга халақит бермаслик учун техника воситалари ва пиёдалар ҳаракатини тартибга солиб туриш, шунингдек, ҳайдовчилар ҳамда пиёдаларни хавфли участкалар, иш жараёнлари ҳақида огоҳлантириш мақсадида шартли белгиларни ўрнатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Йўл қурилиши майдонлари, шаҳар ҳамда қишлоқ кўчаларига, махсус жойларга осиб қўйиладиган ушбу белгилар хавфсизликни таъминлаш баробарида иш самарадорлигини оширишда асқотяпти.

Маълумки, ҳар бир жамоада меҳнатсеварлиги, малака ва тажрибаси билан бошқаларга ибрат бўлувчи, атрофдагиларга намуна кўрсатувчи соҳа фидойилари бўлади. Уларнинг самарали меҳнатлари эришилган ютуқлар асосини ташкил этади. Шу маънода корхона йўлсозларидан бўлим бошлиғи Рашид Маматқулов, йўл усталари Ориф Наҳалбоев, Олимжон Ғаниев, ҳайдовчилар Холбой Муродов, Мамараим Умаров, автогрейдерчи Муҳаммад Қаршиев, ўзи юрар каток ҳайдовчиси Асад Жалилов, ишчилар Карим Муродов, Улуғбек Умирзоқов, Обид Сафаров, Тўйчи Ҳайдаров, Санжар Асадов, Бахтиёр Аҳмедов, Қўзимурод Қобиловнинг хизматлари таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

Юқоридаги фикрлар, келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, ҳудудларда йўлсозлик борасидаги ишлар, бунёдкорлик тадбирлари босқичма-босқич тарзда амалга оширилятпи. Соҳа мутахассислари, ишчи-хизматчилари ҳар қандай об-ҳаво ва шароитда ҳам зиммаларидаги вазифаларни ўз вақтида, сидқидилдан адо этишга интилишмоқда.

Албатта, қаерда бўлмасин, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир турли йўналишдаги лойиҳалар, уларда белгиланган ишлар ҳаётга тўлиқ татбиқ этилгач, ҳудуд ижтимоий ҳаёти, қиёфаси тубдан ўзгаради. Бунда эса, шубҳасиз, йўлсозлар хизмати алоҳида ўринга эга.

Холбой ҚОСИМОВ,
журналист.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Сирдарё туманидаги "Ўзбекистон – Хитой" дўстлик боғида Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ташаббуси билан Сирдарё тумани ҳокимлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 30 га яқин корхона ва ташкилот 828 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Меҳнат ярмаркаси: Хатони ювиш учун МУНОСИБ ИШ ЎРНИ

– Ярмарка ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун катта имконият яратди, – дейди Республика маънавият ва маърифат маркази Сирдарё тумани бўлими раҳбари Акбарали Мирзаҳмедов. – Иштирокчилар бу ерда танлаган касби бўйича ўзига қулай иш ўрни учун меҳнат шартномасини тузиш ва янги иш жойлари бўйича етарли ахборотга эга бўлди.

– Мазкур ярмарканинг яна бир муҳим жиҳати, уюшмаган ёшларнинг муносиб иш ўринлари орқали бандлигини таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратилганлигидир, – дейди "Пенг Шенг" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси директори ўринбосари Ғофуржон Аҳмедов. – Тадбир давомида 300 нафардан ортиқ ана шундай тоифадаги ёшлар қамраб олинди.

Меҳнат ярмаркасига афв этилган ўнлаб сирдарёлик ёшлар ҳам таклиф этилди. Уларнинг аксарияти ўзига мос иш топди.

– Мен ўз хатоларимни ҳалол меҳнатим билан оқлайман, – дейди ана шундай ёшлардан бири Сарваржон Абдукаримов. – Ватанимга, халқимга сидқидилдан хизмат қиламан.

Меҳнат ярмаркасида 50 нафар иштирокчининг ишга жойлашиши учун йўлланмалар берилди. 25 нафар ёшлар эса шу ернинг ўзида ишли бўлди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Эълон

БАРЧА ТУРДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти қуйидаги объектлар бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

1. Лот-13-1: "Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги "Малярний" коллекторини реконструкция қилиш ва гидротехник иншоотлар қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **2 212 955 732,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **8 ой.**

2. Лот-13-2: "Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Бедона" хўжаликлараро коллекторини (ПК14+00 дан ПК19+00 гача) реконструкция қилиш (2-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **504 589 015,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **9 ой.**

3. Лот-13-3: "Самарқанд вилояти туманларида сув ўлчаш (гидропост) иншоотларини реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **432 607 080,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **6 ой.**

4. Лот-13-4: "Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги "Қорасув" туманлараро коллектори тизимида коллектор қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **338 482 727,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 15 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **6 ой.**

5. Лот-13-5: "Самарқанд вилояти Самарқанд, Тайлоқ ва Ургут туманлари хўжаликларида коллектор қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **704 337 283,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **9 ой.**

6. Лот-13-6: "Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги "Қорасув" туманлараро коллектор тизимини (ПК230+00 дан ПК287+00 гача) қуриш ва реконструкция қилиш (4-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 649 430 618,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **24 ой.**

7. Лот-14-1: "Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани "Бандихон" массивида коллектор дренаж тармоқларини қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 374 443 657,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **10 ой.**

8. Лот-14-2: "Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани хўжаликларида коллектор-дренаж тармоқлари қуриш (2-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **4 455 865 193,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **11 ой.**

9. Лот-14-3: "Сурхондарё вилояти Музработ тумани "Ч.Қодиров", "Таскент", "Т.Бердиев", "Ш.Бобоев" ва "Қўнғирот" СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 098 097 982,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **11 ой.**

10. Лот-14-4: "Сурхондарё вилояти Қизириқ, Музработ ва Шеробод туманларидаги коллекторларни гидротехник иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш ва қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **2 048 140 450,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **5 ой.**

11. Лот-14-5: "Сурхондарё вилояти Шеробод тумани "Барака", "Тавкақўрғон", "Нуриддин Миробод", "Толошқон келажаги сув" ва "Қўшнаҳор" СИУлар ҳудудларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 168 050 760,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **10 ой.**

12. Лот-14-6: "Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Мопр" хўжаликлараро коллекторини ҳамда "ВС-1" коллектори иншоотлари билан бирга реконструкция қилиш ва қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **4 392 911 563,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **18 ой.**

13. Лот-15-1: "Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги "17-К-5" ва "17-К-6" хўжаликлараро коллекторларини реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **3 488 546 307,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **14 ой.**

14. Лот-15-2: "Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Боёвут-2" ва "Боёвут-3" СИУлар ҳудудида коллекторлар қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **517 637 914,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **10 ой.**

15. Лот-15-3: "Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги "Сафар Мироб", "Муборак оби равон" ва "А.Навоий" СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **2 265 667 344,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **12 ой.**

16. Лот-15-4: "Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги "Каттабоғ" (ПК22+00 дан ПК65+00 гача), "Тўқбой" (ПК0+00 дан ПК28+30 гача) хўжаликлараро коллекторларини реконструкция қилиш ҳамда "Қизилсув дарёси", "Чимқўрғон чашмаси", "Қайқи сув ҳавзаси" ва "Найза булоғи" СИУлар ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 451 679 381,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **9 ой.**

17. Лот-15-5: "Қашқадарё вилояти Косон туманидаги "СК-5-1" хўжаликлараро коллекторлари тизимидаги коллекторини реконструкция қилиш ва "Обиҳаёт" СИУ ҳудудида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш (2-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **4 525 212 559,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **16 ой.**

18. Лот-16-1: "Бухоро вилояти Ромитан, Пешку, Ғиждувон ва Шофиркон туманларида коллектор-дренаж тармоқларини қуриш (3-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **7 206 107 559,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **24 ой.**

19. Лот-16-2: "Бухоро вилояти туманларида вертикал дренаж қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 452 593 651,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **6 ой.**

20. Лот-16-3: "Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги "Шимолий Қоракўл" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **3 096 777 255,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **8 ой.**

21. Лот-16-4: "Жиззах вилояти Зомин туманидаги "Гулистон", "Янги-ҳаёт" ва "Иқбол" СИУлар ҳудудида ёпиқ горизонтал дренаж тармоғини қуриш (3-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 190 629 114,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **7 ой.**

22. Лот-16-5: "Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги "Денгиз йўли", "Ҳаёт боши", "Ҳосил суви", "Р.Есенқулов" ва "Истиқлол шаршараси" СИУлар ҳудудида коллекторлар қуриш ва реконструкция қилиш (3-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 610 065 227,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **8 ой.**

23. Лот-17-1: "Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги "Катта Зовур" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш (2-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **953 915 768,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **7 ой.**

24. Лот-17-2: "Навоий вилояти Хатирчи туманидаги "Қорашўра" хўжаликлараро коллекторини реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **1 397 217 119,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **6 ой.**

25. Лот-17-3: "Фарғона вилояти туманларида мелиоратив тик дренаж қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **3 693 811 010,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **10 ой.**

26. Лот-17-4: "Хоразм вилояти Хонқа туманидаги "Тошсақа ўнг қирғоқ" туманлараро коллекторини реконструкция қилиш (7-босқич)".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **5 709 268 944,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **15 ой.**

27. Лот-17-5: "Тошкент вилояти Чиноз туманидаги "Д-16", "Д-1" ва "Олмос" коллекторларини реконструкция қилиш ва гидротехник иншоотлар қуриш".
Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи – **784 300 897,0** сўм (ҚҚСсиз ва ЯИТ 25 фоиз).
Ишларни тугаллаш муддати – **8 ой.**

Диққат! Қиймати 500,0 миллион сўмгача бўлган объектлар бўйича танлов фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирокида ўтказилади.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти.

Танлов ташкилотчиси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш Департаменти танлов савдоларини ўтказиш бўлими.

Танловда иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига. Ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танловда иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган импорт қилувчиларнинг импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан Департаментнинг Танлов савдоларини ўтказиш бўлимига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Қибрай тумани "Университет" кўчаси 2-уй. Тел.:** +99899 823-09-74, +99897 708-32-77.

Таклифлар (офёрталар) танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов эълон матбуотда чоп этилгандан кейин 10 кундан сўнг юқоридаги манзилда ўтказилади.

«Qishloq hayoti»
www.qishloqhayoti.uz info@qishloqhayoti.uz
2018-yil 13-mart, seshanba **27 (8890)-son**

Оролбўйи обидалари чорлайди

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҲУДУДНИНГ САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Бугунги кунда Оролбўйида жами 34 та сайёҳлик ташкилоти фаолият юритмоқда. Ўтган йили улар томонидан 8246 нафар сайёҳга хизмат кўрсатилган эди. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси раҳбари Байрам Қусекеевнинг таъкидлашича, улар асосан Франция, Буюк Британия, Германия, АҚШ, Россия ва Япония давлатларидандир.

Президентимизнинг "2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Орол денгизи бўйида ўтган йил мобайнида иккита сайёҳлик мажмуаси ишга туширилди. Мўйноқ туманидаги "Очиқ осмон кемалар музейи" атрофида "Muinok tour" МЧЖ томонидан ўтовли уйлар, "Мўйноқ" маёғи ва овқатланиш шохобчаси ташкил қилинди. Мазкур объектларнинг атрофи ободонлаштирилади.

2018 йилда Нукус шаҳри, Тўрткўл, Элликқалъа ва Мўйноқ туманларида замонавий меҳмонхона ва жойлаштириш воситаларини ташкил қилиш режалаштирилган. Мўйноқ туманидаги Судочье кўли бўйида дам олиш маскани ва балиқ маҳсулотларидан миллий таомлар тайёрловчи овқатланиш шохобчаси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2018-2019 йилларга мўлжалланган Қорақалпоғистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар Дастури" тасдиқланган бўлиб, унга кўра 42 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Яъни 8 та янги меҳмонхона, 3 та кемпинг, 3 та логистика ҳамда 1 та сайёҳлар учун овқатланиш ўрни қурилиши назарда тутилган.

Мўйноқ туманида ҳудуднинг этнографик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда "Ethno-Village", Элликқалъа туманида эса Аҳчакўл ёнида сайёҳлик мажмуаси ташкил қилинади. Нукус шаҳридаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат музейига мамлакатимизнинг қатор вилоятларидан, Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларидан саёҳатчиларни жалб қилган ҳолда турлар ташкил этилмоқда. Оролбўйининг туризм ва экотуризм салоҳияти ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида каталог, китоб ва флайерлар тайёрланади. Миллий санъатимиз, урф-одатларимиз, дастурларимиз ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш мақсадида "Ёшлар фольклори" республика фестивали, жировлар, бахшилар, охунлар ва қиссахонлар иштирокида "Қур" фестивали ўтказилади.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони, "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида "Ўзбекистон бўйлаб сайёҳат қил!" ички туризмни ривожлантириш дастури режаси ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, республика касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари билан биргаликда ҳудудлар ҳамда жалб этилган ташкилотлар миқёсида турлар ва экскурсияларни ташкил қилиш жадваллари тасдиқланди. Бунда халқимиз, айниқса, маҳалла фаоллари, нуронийлар, ёшлар ва кам таъминланган оилалар вакилларининг мамлакатимиз ҳудудларига саёҳатларини ташкил этиш назарда тутилган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Кўп йиллар олдин самарқандлик кекса онахондан шундай мақол эшитгандим: "Уйга палос, қизга либос". Дарҳақиқат, уйга гилам тўшамагунингизча уйга ўхшамайди. Бир ярашиқли палос тўшашингиз билан уйингиз кўзингизга бошқача кўриниб кетади. Аёл ҳам шундай. Шунинг учун ҳам "Аёлнинг безаги либос" дейдилар. Тўғри, либоснинг ҳам кўрки аёл. Аммо кейинги пайтларда бироз нотўғри тушунча шаклланаётгандай, назаримда. Балки, бу замонавий бўлиб кўриниш ҳавасидан келиб чиққан камчиликдир. Балки, бошқа сабабдан... Кишилар онгида гап либосда экан-да, деган фикр туғилиб қолдимикан?..

Қизлар эмас, бизлар хижолат

Аслида эътиқод ҳам, одамийлик ҳам либосда эмас, балки кўнгилда бўлади. Кўнгли пок, нияти холис бўлмаган одамнинг устида қанақа либос бўлишидан қатъи назар, у шундайлигича қолаверади.

Доно халқимиз "Ранг кўр, ҳол сўр", дейди. Иболи қизларимизнинг юриш-туришлари, ўзларини тутишлари, сўзлашлари каби кийинишлари ҳам уларнинг ички дунёсидан хабар бериб турса, нимаси ёмон? Аммо, афсуски, айрим қизларимиз кийиниш маданиятидан мутлақ бехабардай таассурот қолдиради. Улар расмий тадбирларга келаётганда ҳам тунги клубга бораётгандай кийиниб келишларига тез-тез гувоҳ бўлиб турибмиз. Мавзуга оид бир мисол: нуфузли кўрик-танловнинг туман босқичи ўтказилмоқда. Ҳакамлар ҳайъатининг ярми эркаклар. Мукофотга талабгор қизлардан бири саҳнага жинси шимда, калтагина футболкада чиқиб келди, гапирди, шеър ўқиди. Шунда қўлидан нимадир тушдию, олишга мажбур бўлди. Шу пайт кийимлари икки томонга очилиб шунақа хунук манзара намоён бўлдики, ҳайъатдаги эркаклар эмас, аёллар ҳам кўзини қайга қўйишни билмай қолди. Иштирокчи қиз буни сезганиям йўқ, чамаси, ёки юзи қотиброқ қолганми, парво ҳам қилмади. Ҳаммасидан ҳам ана шу сезмай қолгани ёмон-да. Хижолат бўлмагани ачинарли-да.

Бир корхона раҳбари – ўзини тийиб, кўзини сақлаб юрадиган биродаримиз котибасининг кийинишидан шикоят қилиб қолди: – Ёшгина қиз бола бир куни шунчалик калта, сочиқлар қўйилган юбкада келди. Насиҳат қилиб, жиддийроқ кийининг десам, узун юбка кийиб, ёнини яна тепагача очиб келибди. Юрганда бир оёғи тиззадан бир қарич юқоригача ташқарига чиқади, кўзимни қаерга яширишни билмайман. Ҳадеб унинг либосини гапиравериш ноқулай бўларкан.

Эътибор беряпсизми, қизлар эмас, қизларнинг юришидан биз, эркаклар хижолат бўлмоқдамиз. Кўча-кўйда, истироҳат боғларида айрим ёшларимизнинг кийиниб юришларини кўриб, кийиниб овора бўлиб юрмаса ҳам бўларкан, деган гап кечади кўнгилдан. "Ҳаёсизда – вафо йўқ, вафосизда – ҳаё йўқ", дейди Навоий ҳазратлари. Буларнинг кийими шу бўлса, ички олами қанақа экан, дея ўйлашга мажбур бўласан киши...

Энди келинчакларимизнинг тўйбазмларга кийиб чиқадиган либосларини бир кўз олдингизга келтиринг.

Оппоқ либос ўз ҳолича гўзал кўринади, бунга эътирозимиз йўқ. Аммо бировнинг гулдай қизи, бировнинг ойдай келини бўлган шу заифани кўракларини ярмигача, қўлтиқларини очиб, билагию қўлига оқ қўлқоп кийдириб, юзу кўзини анвойи бўяб, сочларини антиқа фасонларда турмаклаб "кўргазма"га чиқариб қўйиш қандоқ бўларкин? Яна кимларнинг назарига денг. Тўкин дастурхон атрофида тўйганича еб-ичиб, ширакайф бўлиб ўтирган номаҳрам эркаклару ғийбатталаб аёллардан иборат оломон назарига чиқариб қўйиб, томоша қилдиришни дуруст деб ўйлайсизми?

Келинчак бечора ўтиришидан уялиб, даврадаги ичиб олган эркакларнинг кўзларини лўқ қилиб қарашларига, уни гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон муҳокама қилишларига сабр қилмоқдан ўзга чораси йўқ. Бу – бир одат. Ёқимсиз одат. Уни кимлар ва нима мақсадда турмушимизга сингдиргани ва сингдираётгани тафаккур соҳибларига кундай равшан. Навоий айтади: "Табиатқа ҳар неким одат бўлур, чу эскирди одат, табиат бўлур". Энди билмоқнинг ўзигина кифоя қилмас экан-да... Уйингизни ўғри тунаётганда ҳаммасини билиб турибман, деб ўтирмайсиз-ку, жон-жаҳдингиз билан курашасиз, айюҳаннос соласиз-ку. Имон-эътиқодингиз, ор-номусингизга тажовуз қилаётганларида томошабин бўлиб ўтиришимиз дурустми, биродар?

Тобора либоссиз бўлиб бораётган қизларимиз, опа-сингилларимиз аҳволини кузатиб шундай хаёллар кўнглимдан кечди. Биз ҳам бир нафас дунё саҳнида бўлиб, ўзимиздан қандайдир из қолдириб ўтадиган ўтарчилармиз. Ҳеч бир нарса, ҳеч бир одат абадий эмас. Пайт келиб, биз ҳақимизда эслаганларида авлодларимиз яхшиликлар билан эласинлар, дейман-да. Ўша замонларда ҳамиятли кишилар бўлмаганмикин, деб ўйга толмасалар, бизни ҳам эзгу сўзлар билан эсга олсалар. Тирикчилик ташвишларига ўзимизни, миллий қиёфамизни унутар даражада ем бўлмайлик. Агар бу фикрлар кимгадир малол келган бўлса, узр, минг бор узр. Аммо билсинларким, мен йўқ нарсани ёзмадим, якка ҳодисани ҳам ёзмадим. Бугун кўзи очиқ одам ҳар қадамда учратиб, дили ранжийдиган ҳолатларни ёзиб, унга муносабатимни билдирдим. Ҳаёли ва иболи қизларимиз ҳам фикримга қўшиладилар, деб умид қиламан.

Ориф ҲОЖИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Бойтераклик фахрий барчадан фаол

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Қарши шаҳрида "Энг фаол кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят кенгаши ва Ўзбекистон "Нуроний" жамғармаси вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 15 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

Бугунги кунда вилоятдаги ўзини ўзи бошқариш органларида 730 нафар кекса ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчи фаолият юритмоқда. Уларнинг ёшлар тарбияси, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, кўмакка муҳтож оилалар, кексалар ва ногиронларга ёрдам кўрсатишдаги ўрни муҳим. Мазкур танлов уларнинг бу борадаги ютуқларини муносиб рағбатлантириш ва ўзаро тажриба алмашишига хизмат қилади.

Якуний натижаларга кўра, Косон туманидаги "Бойтерак" маҳалла фуқаролар йиғини кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчиси Дилмурод Қаҳҳоров биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўринни Яккабоғ туманидаги "Алакўйлак" МФЙ маслаҳатчиси Юсуф Мейлиев, учинчи ўринни эса Китоб туманидаги "Тупчоқ" МФЙ маслаҳатчиси Нур Гулов қўлга киритди.

– Маҳалламизда ҳудуд ободлиги, тинч-тотувлигига ҳисса қўшаётган нуронийларимиз кўп, – дейди танлов ғолиби Дилмурод Қаҳҳоров. – Улар билан биргаликда маҳаллада нотинч оилалар билан ишлаш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз ўз самарасини беряпти. Маҳалламиз тадбиркорлар маҳалласи. Шу сабабли бизда ишсиз одамнинг ўзи йўқ. Маҳалла гузарида ҳомийлар ёрдами билан 3 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган кутубхона ташкил этганмиз. Зиё маскани ҳар куни ўқувчилар билан гавжум. Ўтган йилда маҳалламизда бирорта ҳам ҳуқуқбузарлик ҳолати, оилавий ажрим, нотинч оилалар қайд этилмади.

Ғолиб ва совриндорларга танлов ташкилотчиларининг совғалари топширилди.

Ҳусан Темиров,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Бадиа

...Ҳар йили 8 март байрамида оилам билан қишлоққа йўл олар эдим. У ерда мени жондан азиз меҳрибоним, дуогўйим – волидаи муҳтарамам кутиб ўтирган бўларди. Қишлоқдаги қадрдон уйимизга яқинлашар эканман, болаларим қўлларида гул билан ҳовлига югуриб киришарди. Невараларининг шовқин-суронидан келганимизни англаган онам қўлларини ёйиб, пешвоз чиқарди. Ғарчи яқиндагина хабар олиб кетган бўлишимга қарамай, гўё бир йил кўришмагандай бағрига босар, юз-кўзларимдан меҳр-ла ўпарди.

Онам яна ҳаётга қайтди

Хуллас, шу куни онамнинг бағрида барча ака-ука, опа-сингиллар жамулжам бўлиб байрамни нишонлар эдик. Онам болаларимнинг оғзи тегсин, дея маҳаллада пишган сумалакдан чиқариб олдимизга қўярди. Ўзи пиширган кўк сомса, чучваралардан илинарди.

...Бу бизнинг энг бахтли онларимиз экан, энди эсласам. Энди... онаизорим йўқ. Онамизни бериб қўйганимизга ҳам мана, олти ойдан ошди. Шуларни ўйласам, ичимда бир нарса узилгандай бўлаверади.

Бу йилги 8 март байрамида онамни хотирлагани қишлоққа отландим. Йўлимни тўғри онам мангу қўним топган қабристон томон бурдим. Чиройли гуллардан ясалган гулдастани онамнинг қабри тепасига қўйдим. Руҳи покларига Қуръон тиловат қилдим. Кўзларимга ёш қуйилиб келди. Онажонимни жуда-жуда соғинган эдим. Қабристондан чиқиб, шаҳарга қайтмоқчи бўлдим. Уйга борганим билан энди онам йўқ... Отам йўқ... Иккиланиб турганимда қўл телефоним жиринглаб қолди. Кўтарсам, укам Жамолбек.

– Ака, ака! Суюнчи беринг, қизли бўлдим. Қизимга онамизнинг исмларини қўйдик. Ака, онам қайтиб келдилар. Биз сизни кутяпмиз, тезроқ келинг!

Болтабой МАТҚУРБОНОВ

Реклама ва эълонлар

Тошкент ш. Олмазор т. "Ягона дарча" маркази томонидан рўйхатга олинган "ALUGAR MERCADO" М-ЖКнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхонага ўзгартирилишини маъқўл қилади.

"ELITE GREEN LIFE" ХКнинг (СТИР 302279845) мақоми "ELITE GREEN LIFE" М-ЖКга ўзгартирилади. "ELITE GREEN LIFE" ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси "ELITE GREEN LIFE" М-ЖК ҳисобланади. Мурожаат учун манзил: Юнусобод т. Т.Джалилов 1-тор кўч. 8-уй.

Тошкент ш. Олмазор т. "Давлат хизматлари" маркази томонидан рўйхатга олинган "BUILD PRODUCT INDUSTRY" М-ЖКнинг устав фонди 1 624 545 294 сўмдан 1 578 545 294 сўмга камайтирилади.

Эълон

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ»
акциядорлик жамияти
корхона Агромажмуаси
гўшт-сут фермасидаги мавжуд «БиоГаз»
ускунасини ишга туширишу учун корхона ва
ташкилотлар мурожаатини қабул қилади ва
ҳамкорликка таклиф этади.
Мурожаат учун телефон:
+99890 920-75-76. (Факс) +99870 214-15-60.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳодир ЮСУПОВ, Бакриддин ЗАРИПОВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Абдурасул АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47,
Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35,
Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49,
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

Андижон	–	(+99893) 630-73-03;
Бухоро	–	(+99891) 401-29-59;
Жиззах	–	(+99893) 940-10-78;
Навоий	–	(+99891) 332-50-99;
Наманган	–	(+99893) 948-53-86;
Фарғона	–	(+99890) 407-76-03;
Самарқанд	–	(+99893) 994-57-08;
Сирдарё	–	(+99894) 168-23-60;
Сурхондарё	–	(+99890) 644-44-11;
Тошкент	–	(+99890) 976-39-58;
Хоразм	–	(+99897) 790-47-61;
Қашқадарё	–	(+99891) 635-08-03.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-313, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва дизайнер Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21641 нусхада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: **21.00**
Босишга топширилди: **23.00**

ISSN 2010-7021

Навбатчи муҳаррир:
Р.СУЯРОВ
Мусаҳҳиҳ:
Д.КОМИЛЖОНОВА

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Баҳоси келишилган нархда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 123456